

Яна тўйларимиз ҳақида

Укам олтимиш ёшни қаршилаш олдида. Уч киз, икки ўғли бор. Қизлари бўртиб турган куртак, эртаси кун кўйғос гул очгани каби бирданга уччала-си кўзга кўриниб, бўйи етиб қолди.

ФАРЗАНДЛАР ТАХТИНИ ЭМАС, БАХТИНИ ЎЙЛАЙЛИК

Бир куни улар бизнига меҳмон бўлиб келишди. Қўхлик-кина, одобли қизлар. Зимдан назар солсам кийинида, юриш-туришда бошқачароқ кўринишди. Тўнғичининг бир ўғилчиси бор. Қараб турсам қизларнинг кийинишлари бизнинг урф-одатларимизга тўғри келмайди. Кийган кўйлақларининг энгида ва бел қисмида тавба деб айтмай, нах ўттиз сантиметр келадиган шоклида ҳам бор...

Орадан бир-икки кун ўтиб укам ҳам меникига келди. Мен унга: «Иним, оилангга бўлаётган ўзгаришларнинг гувоҳи бўляпман. Келин тadbиркор, ўзинг ахшигина ишдасан. Бу деган сўз, ким нимани хоҳласа шуни қилади, деган гап эмас. Биз ўзбекмиз, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келадиган шарқона маданиятимиз, урф-одатларимизга ҳурмат билан қарашимиз, ўзбекнома иш туттишимиз керак эмасми?! Қизларининг юриш-туриши, кийинишига эътибор бера-санми ҳеч, улар нечундир ўзгачароқ бўлиб қолмаганларми? Сен отасан, бу тўғрида оталик сўзинг — насиҳатинг бўлиши керак», дедим. Укам сўзларимни диққат билан тинглаб, инобатга олди.

...Бир куни укам иккинчи қизини фотиҳа қилганини, тўй куни белгиланганини, учинчи қизига ҳам тинмай совчилар келиб қўйишмаётганини айтди.

— Жуда яхши, бахтли бўлишин, ниятингга ет, фарзандларинг бахтини-роҳатини кўр. Ишқилиб толиқиб қолмай-санми?! Айтгандай, ҳозир кўп тўйлар илчмлаштириб ўтказиляпти, чарлари, ЗАГСлар олдингига ўхшаб дабдаба билан эмас, тор доирада ўтказилмоқда. Тўй ошинга ҳам катта санъаткорларни чорламай, таникли хофизларимизнинг тасмага ёзилган мумтоз ашуларини магнитофон орқали кўйсанг ҳам бўладику.

— Ака, шундай қилмоқчимиз албатта, — деди укам. — Тоганларинг тўйга буюрсин, — дедим укамга. Орадан кунлар ўтиб, тўйга ҳам етиб келдик. Тўйдаги бутунлай бошқа сўзу режаларни эшитиб хайрон қолдим. Мен берган маслаҳатлар келинига ёқмабди. Бир ҳафта ичида тўй оши, ЗАГС, никоҳ тўйи, икки кун тўйиб чарлари, бунинг устига тўй оши ҳам, чарлари ҳам катта дабдаба билан, бир қанча гуруҳ санъаткорлар билан ўтадиган бўлибди.

Тўй шу йўсинда ўтиб, чарлар куни қудалар олдида тўпи билан олинган ноёб матолардан сарполар кўйилди. Санъаткорларнинг чаккасига юзталиқ, икки юзталиқлар беармон қиштирилди. Кўёв жўраларининг ҳар бирига қимматбахў кўйлақлар, қуда томондаги эркакларга ўнта тўн кийдирилиб, сал кундан кейин қуда чақирим ҳам тўйдеб бўлиб ўтди.

Азизлар, ўзингиз ўйланг, тўйларимизни шу қадар дабдаба билан ўтказиш тўғрими? Бу нимаси, «Мана мени кўриб кўйинглар, биз шунақа бадавлат одамлармиз» деб ўзини кимга кўз-кўз қилмоқчи, тогган-тутганининг исрофини, уволени ўйламай, бир кунда соғуриб, кимга яхши кўринмоқчи...

Шу ўринда бир нарса ёдимга тушди. Уруш бошлангани олдида қариндошлардан бирининг уйига кирган маҳалланинг дошқозони ролпа-роса беш йил туриб ҳеч ким сўраб келмаган экан. Тинчлик, хотиржамлик бўлмаган, ҳаёт тарзи кўнгилдагидек бўлмаган жойда дошқозон ёғсираб қолиши ҳеч гап эмас. Лекин мен унинг ёғсираб қолишини мутлақо хоҳламайман, шундай бўлсада айтиш керакки, тўйларимизни илчмлаштириш, камхарж қилиб ўтказиш борасида самарали ишлар қилинаётган бир пайтда катта дабдаба билан ўтказиш шартмиди?!

Ернинг кўёши саналмиш онанинг фарзандларини бахтли, тахтли қилиш ўйи билан яшаб, оразулари ушланиши пайтида кўзларига фақат тахт кўриниб, эрни қийин-қистовга олиб сен эмас, мен, дея иш туттишлари, кўни-қўшни, маҳалла-кўй ҳамда қариндош-уруғларга ўзини кўз-кўз қилиб, манмансираши оиладаги соғлом мухитдан пугур кетказмайди...

Келинимизнинг орқаворотдан бизгача етиб келган бир сўзи менга жуда таъсир қилди. «Ха, хўжайинимнинг тогани нима бўларди, квартирамиз ҳақио неқадиган сигаретасидан ортайдикун!» дедди. Шундай дейиши керакмиди?! Тўғри, тadbиркор номинг бор, лекин пул дегани ариқдаги сувдек оқиб келавермайди-ку, одам бирдек яшамайди ахир. Эртани ҳам ўйлаш керак.

Фарзандларининг бахтли-тахтли бўлиши ҳар қандай ота-онанинг ораси, шундай бўлган тadbиркорликка йўл очилиб шу кунларга, шу даражага етиб келганига шўкроналар билдириш ўрнига эрингни — фарзандларининг отасини ўз ўрнида кўрмай, камситиб, ўз топилиниг пеш қиласанми, бундай бир орқанга қараб ўтмишинга ҳам назар ташлаб кўй! Шуни унутмаки, ҳар қандай шариоатда ҳам аслида меҳрибон она бўлишининг билан бирга уй бекаси — меҳрибон она, садоқатли ёр бўлиб, фарзандларининг отасини ўз ўрнида, ҳурматда, эъозда кўришининг шарт, дегим келади.

Жаҳонгир АБУБАКИРОВ.

«Оқшом»нинг ҳуқуқий маслаҳатхонаси СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Савол: Айтингни, эр-хотиннинг ҳар бирининг мулки деганда нимани тушунаемиз. Умумий мулк дегандачи? Жавоб: Оила Кодексининг 23-моддасига асосан, эр ва хотиннинг никоҳ да-вомидида ортирган мол-мулк-лари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг олинган мол-мулкларини уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Савол: Фуқаро қай ҳолатда транспорт воситасини бошқаришдан четлатилади? Жавоб: Маъмурий жа-вобгарлик тўғрисидаги Ко-декснинг 292-моддасига биноан агарда мастлик ҳолатда деб ҳисоблашга етарли далиллар бўлган шахс транспорт воситаси-ни бошқаришдан четлаш-тирилади ва мастлик ҳо-латини аниқлаш учун бел-гиланган тартибда текширув-дан ўтказилади.

Эр ва хотиннинг никоҳ-ларига қадар ўзига тегиш-ли бўлган мол-мулкларини, шунингдек улардан ҳар

бирининг никоҳ давомида ҳада, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулкларини улардан ҳар бирининг ўз мулки ҳисобланади.

Ойбек ИСОКОВ, ҳуқуқшунос.

СУВДАН ТЕЖАБ-ТЕРГАБ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Маълумки, табиий захи-ралардан тежамли, унумли фойдаланиш атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг тарки-бий қисми бўлиб, унга амал қилиш ҳамманинг кундалик ишидир. Пойтахтимиз Тош-кентда 2,5 миллион аҳоли истиқомат қилади. Улар ҳудудларда ташкил топган 474 та ўз-ўзини бошқарув органлари бўлган маҳалла-ларга бирилган. Бундан ташқари пойтахтда 13 мин-гга яқин катта-кичик муас-сасалар, 326 мактаб, 600 та мактабгача бўлган тарбия муассасалари, юзлаб ўрта махсус ва касб-хўнаҳар ҳама олий ўқув юртлири, илмий-тектириш институтлари фа-олият кўрсатиб келмоқда.

Миллий ҳаракатлар режа-сидаги муаммолар орасида энг муҳими аҳолининг ичм-лик суви билан етарли таъ-минланмаганлиги, чўққ сув-нинг етишмаслиги, ер ости ва ер усти сувларининг инф-лосланishi хусусидаги маса-лалардир.

Показалик

Ўзбекистон Республикаси Вази-рлар Маҳкамасининг ўтган йилнинг 20 октябрдаги 409-сонли қарорига асосан 1999-2000 йилларда Тошкент шаҳар атроф-муҳитни муҳо-фаза қилиш ишлари дастури ва уни бажариш юзасидан ишлаб чиқилган чора-тadbир-лар режаси тўғрисидаги ва шаҳар ҳокимиятининг ўтган йилнинг 30 ноябрдаги 722-сонли қарори ҳам ҳуқуқати-

мизнинг табиатдан, яъни сув-дан фойдаланиш ва уни му-ҳофаза қилишга қаратилган чора-тadbирлардан биридир. Ҳозирги кунда шаҳарда 237 километр узунликда юз-дан ошиқ канал ва ариқлар мавжуд бўлиб, уларда сувдан фойдаланиш ва унинг муҳо-фазаси мутлақо талабларга жавоб бермайди. Шуни



Дунёни билиш ва уни му-ҳофаза қилиш ҳар бир ин-соннинг муносиб бурчидир. Шундай экан барча қатори Ҳамза туманида истиқомат қилаётганлар ҳам атроф му-ҳитни ҳимоя қилиш ва қола-верса гўзал табиат, она юр-тимизни эъозлаб авайлаши-миз шарт деб биламан.

сув шохобчалари умумий узунлиги 223,739 километр-дан иборат. Темир бетон ариқларнинг узунлиги эса 121,302 километр дур.

Кўчаларимиз ЯНАДА ОБОД ВА КЎРКАМ БЎЛАДИ

Туманимизда 22 та мар-казий кўча мавжуд бўлиб, улар-нинг ҳар биридан кесиб ўтган ирригация тармоқлари, йўл ва йўлқалар тозаланиб, дарах-ларга ҳар кун дислокация асосида шакл берилмоқда.

Ҳозирги кунда туманимиз-да тозалиқ ишлари жуда яхши йўлга қўйилган. Тош-кент шаҳар ва Ҳамза тумани ҳокимиятининг қарорига асо-сан 55 та ахлат йиғиш мах-сус нукталар ташкил этилиб, шуларнинг 33 таси саноа-вий усулда ишлаб турибди. Бунга туманимизнинг барча илғор ташкилотлари бош бўлмоқда.



Туман кўчаларида ёнгин-чиқмаслиги учун ва унинг ол-дини олиш учун барча чора-тadbирлар белгиланиб йўл ва йўлқалар атрофларидаги йўллар ўз вақтида тозаланмоқ-да. Кузги ва қишки тайёргар-лик ишлари аввал баҳордан бошланиб бугунги кунда 250 дона белқурак, 22 та туз со-лиш контейнерлари ва 150 та кум аралаштирилган тех-ник тузи жамғариб қўйилди. Туман ҳудудида 5 та канал, 10 дан ортиқ кўприқлар мав-жуд бўлиб, уларнинг барча-си тозаланиб чўқурларнинг озги ёпилиди. Бу ишларнинг ҳаммасини табиатни муҳофа-за қилиш қўмитаси билан ҳамкорликда олиб бораемиз.

Р. ХУДОЙБЕРДИЕВ, Ҳамза тумани ободонлаш-тириш бошқармаси бошлигининг ўринбосари.



ШАРҚ ДУРДОЧЛАРИ



◆ Ақли, эс-хушли аёл ўз эрининг ғазаб оти-га минганини кўрса сабр қилади. Унинг ғазабининг баттар алангаланишига йўл қўймайди, ўзи-ни тутиб туради, эри ҳовуридан тушгандан кей-ин унинг ноҳақ эканини тушунтиради.

◆ Қўшнинг ҳақ-ҳуқуқларидан бирини айтсам, бу қўшга ҳеч вақт озор бермаслик ва ҳафа қил-масликдир. Қўшни касал бўлса ундан ҳол сўраш, бошига мусибат тушса ёрдам қилиш, ғамли ва шодлик кунларида ғам-шодлигига шерик бўлиш, ундан хато ўтса кечириб, ахлу аёлига ёмон кўз билан қарамаслик, бирор ёққа кетса уйдан ха-бардор бўлиб туриш, буларнинг ҳаммаси қўшни-нинг ҳақ-ҳуқуқларидан ҳисобланади. Бундан та-шқари қўшни қарз сўраса қарз берилса, мева-чева терилса мева билан йўкланади.

Бир киши доно олдига келиб ундан: — Айтингни, мен яхши одамманми ёки ёмон-ми, буни қандай билса бўлади? — деб сўради. — Қўшниларингдан сўра, агар улар сени яхши десалар, демак яхисан! — деб жавоб берди доно.

Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР.

◆ Ҳикмат. Дўстсиз яшаш мумкин эмас, аммо ҳамма ҳам дўстликка арзийвермайди.

Байт: Дўст ҳазина-ю, дўстлик гавҳардир, Гавҳарни йўқотмоқ айб ила нуқсон!

◆ Бир ҳақимдан сўрадилар: — Энг содиқ дўст ким?

У жавоб берди: — Гавва иккита бўлса ҳам бир жонга эга ки-шилар!

◆ Бир ҳақимдан сўрадилар: — Қандай сафар энг узоқ сафар?

У жавоб берди: — Садоқатли дўстни қидириш сафари!

Байт: Қидирган нарсани топиш мумкиндир, Бироқ содиқ дўстни топмоқ муаммо!

Муиниддий ЖУВАЙНИЙ.

◆ Унутмагинки, бир сандиқ олтидан бир зар-ра ақл яхши. Ақлли киши одамларни мисол ва далил билан ишонттиради, аҳмоқ эса қасам би-лан. Ақли кўп бўлиб ўзи одобсиз бўлган киши овга чиқиб қуроли бўлмаган кишига ўхшайди.

◆ Ақл бахтга етиш воситаси.

◆ Кимки халққа қандай муомалада бўлса хал-қи ҳам у билан шундай муомалада бўлади.

◆ Нонсиз эл бўлмас, кўпқасад қишлоқ.

◆ Одамнинг яхшиси сафарда билинади.

◆ Ҳаёт лаззати — саёҳат!

◆ Ёшлиқда сен шундай иш қилки, токи у қари-ганинга фойда берсин. Ва унинг беҳуда ўтгани-дан афсус ема!

«Аталар сўзлари»дан.

◆ Ҳикоят. Бир ота ўз фарзандини дўстлари билан улфат бўлишдан ман қилар, ҳамиша ёрон-лар илтифотидан маҳрум қилишга уринар эди. Фарзанд эса унинг сўзига кирмас эди. Бир куни унга дедим: — Ота кўнглини оғритиш яхшими?

У деди: — Юзлаб одамларнинг кўнглини ўқитишдан кўра бир дилини оргитган маъқул!

ХУРРАМИЙ.

◆ Бадавлат кишилардан бири бечоралик би-лан кун ўтказувчи Сукротни айблади. Сукрот унга: — Агар мен хоҳласам сен каби яшашим мум-кин, аммо сен ҳеч қачон мен каби кун кечирол-майсан! — деди.

Бойлардан яна бири Сукротга: — Сен жуда камбағал ва қуруқ қўлсан, — деди таъна билан.

Сукрот эса унга жавобан: — Агар сен фақирлик лаззатини билсанг эди, менга ачиниш ўрнига ўзингга ачинар эдинг! — деди.

«Жовидони хирад»дан.

◆ Билгинки, қаноат меваси роҳат, камтарлик меваси муҳаббат.

Байт: Қаноат айлагин, эй хушёр киши, Қаноат роҳатдан берида нишон.

◆ Оз овқатга қаноат қилмоқнинг фазилатла-ридан бири шундаки, одамнинг илм ва ҳунарга бўлган интилишида дангасалик ва ҳафсаласиз-лик қопламайди, ошқозон овқатни ҳазм қилиши-дан ожиз бўлмайди, кишининг сезги аъзолари-нинг сезувчанлиги бузилмайди.

Мажидиддин ХАВОФИЙ.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.



Халқимиз азал-азалдан кулгига, ҳазил-мутойибага мойил, ҳозиржавоб сўз ўйинларидо қозиримлар унинг қон-қонига сингиб кетган. Шу сабабдан ҳам дунёнинг ҳеч бир бурчагида мавжуд бўлмаган аския санъати ўзбек халқининг зийнати ҳисобланади. Зеро, сўз ўйини, қозиримларга асосланган ҳозиржавоблик мусобақаси ҳисобланмиш аския тўй-томоша, баян, зиёфат ва сайилларимизнинг гулгожидир.

Мустақилликдан сўнг миллий ва маънавий қадриятларимиз, унутилаётган халқона урф-одат ва удуларимизни тиклашга катта аҳамият қаратилмоқда. Эл севган Наврўз, «Меҳржон» байрамлари қатори аския санъати ҳам янгича руҳ, янгича жозиба билан бойиған ҳолда байраму сайилларимизга кўрк бағишламоқда.

Шуниси қувонарлики, энг улуг ва азиз байрамимиз — Мустақиллигимиз-

Қадриятларимиз БОҒДА АСКИЯ КЕЧАСИ



нинг тўққиз йилги арафасида хайрли анъанага асос солиниб, шаҳримиздаги «Боғи Эрам» маданият ва истироҳат боғида юртимизнинг энг ҳозиржавоб аскиячи ва қозиримлари, хонанда ва созандалари иштирокида катта муваффақият билан «Аския кечаси» ўтказилган, унда қатнашганларнинг диллари

рига чорлади. Хайрли анъана давом этиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан бу ерда ўтказилган «Аския кечаси» халқ сайли ҳам-шаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларида шунчалик катта қизиқиш уйғотдики, у барча ихлосмандларни ўз бағрига сиғдира олмади. Фурсатдан фойдаланиб биз айрим қултисевар ҳамшаҳарларимизни суҳбатга тортдик.

● **Абдуқодир ҚАЮМОВ**, кексалик гаштини сураётган шоир ва журналист:

— Яқин ўтмишда Юсуф-жон қизик, Охунжон қизик, Ижроқўм бува, Фанижон Тошматов каби буюк кулги даргалари ўзларининг ичак узди аскиялари билан тўю-сайилларга жон бағишлаб келардилар. Санъатнинг қучини қарангки, эл сўйган ҳофизу аскиячиларнинг мадллари билан Катта Фарғона каналидек улкан қурилиш атиги 45 кунда яқунланди. Халқимиз аскияни ардоқлаб уни лутф санъати дея ифодалайди. Мен бугунги тадбирда иштирок этаётганимдан беҳад хурсандман. Ҳозирда юқорида тилга олган кулги даргаларимизнинг муносиб давомчилари етишиб чиқди. Истардимки, мана шундай кулги кечалари шаҳримиздаги ҳар бир боғда ташкил этилса. Ана шундангина аския санъатимиз янада ривожланиб, унинг давомчилари ўртасида узилиш бўлиб қолмасди.


● **Сирожиддин РАҲМАТУЛЛАЕВ**, дурадгор:
— Оиламиз билан кулги,

аскиянинг шайдосимиз. Боғда «Аския кечаси» халқ сайли ташкил этилаётганини эшитиб кулги усталарининг бетақрор маҳоратидан баҳраманд бўлиш учун бу ерга келдик. Биласимиз, мана шундай хушчақчақ давраларда яйраш кишининг бутун чарчоқларини олиб, дарду ташвишларини унуттиради. Шундай фойдали тадбирнинг ташкилотчилари бўлиш Тошкент шаҳар ҳокимлигига бутун оиламиз номидан ўзимнинг самимий ташаккуримни билдираман.

Дарҳақиқат, шу кунги боққа танга ташласангиз ерга тушмайдиган даражада кўп одам йиғилгани аскиячию қизиқчилар, хонандаларга ҳам ўзгача илҳому кўтаринкилик бахш этди. Марғилон, Қўқон ва Андижондан ташриф буюрган энг иқтидорли аския усталари Мамасиддиқ Ширяев, Жўрахон Пулатов, Йўлдошхон Носиров, Хотам Ҳакимжонов, Нейматжон Тошматов, Ҳасанбой Султонов, халқ ардоғидаги ҳофизлар — Маҳмуджон Тожибоев, Машрабжон Эрматов, иқтидорли қизиқчилардан Болтавой Тошматов, Валижон Шамшиевлар ижросидаги ичакузди хангомалар, турли мавзулардаги аския пайровлари, дилтортар мумтоз кўшиқларни тинглаган ҳамюртларимиз беҳад яйрашди, санъат усталаримиз маҳоратига таҳсинлар ўқийди. Энг қувонарлиси, ушбу хайрли ташаббуснинг қанот ёзиб «Аския кечаси»нинг шаҳримизнинг бошқа боғларига ҳам кўчиши кўзда тутилмоқда.

Дилшод ИСРОИЛОВ, СУРАТДА: «Аския кечаси» халқ сайлидан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



Ўтмишдан садо

ЙИЛЛАР АРМОНИ

Хонага кириб келган мўйсафид саломликдан сўнг олдимиға катта бир китобни кўйди. Савол назари билан қараган эдим: «Бу — хотира, тарих. Бутун бир шажаранинг тарихи, — деди маънодор қилиб. Шойилмасдан китобни, тўғрироғи, хотира альбомини арақлаб чиқдим. Назаримда, бу китобда ҳамма нарса мужассам эди. Юрт тарихига оид мақолалар, Она Ватан, меҳроқибат ҳақидаги шеърлар. Манаман деган миллият фарзандларининг ҳаёти ва ижодида доир мақолалар, суратлар.

Баширулла Раҳматулла ўғли билан шу тариқа танидим. Баширулла ақанинг оталари эски мактаб ва қироатхонадан ташқари рус-тузем мактабини тамомлаб, Тошкентнинг пиён борборида дўкон очиб, лак-бўёқ савдосини йўлга қўйган экан. Раҳматулла тужор савдода ишлашдан ташқари шеърятга, санъатга ихлос билан, маърифатли инсон эди. У киши машур ижодкор Тўйчи Хофиз, Мискин, Хислат, Сайдахмад, Абдулла фонсучи, адабиётимизнинг фахри бўлиш Абдулла Қодирий билан дўст-биродар бўлган.

Раҳматулла тужор савдо ишида, аввало, одамлар ишончига сазовор, ҳалол ва ширинсухан бўлишни, гуноҳ билан савобни, ҳалол билан харомни ҳаммаша бир-бирдан ажратилиши муҳим фазилат ҳисоблаган. Ўзгалар ҳақиға хибнатни қаттиқ қоралаган, ялқовликдан ҳазар қилган.

Эҳ-е, тадбирдорлиги ва билимдонлиги туфайли тижорат ишларида фойда кўриб, ун тўрт фарзанди билан тўқ, фаровон яшаган инсоннинг бошиға не кунлар тушмади дейсиз. Октябр тўнтарийидан сўнг барча ҳусуий дўконлар ёпилади. Тоталитар тузум эндигона эркин нафас ола бошлаган савдо-хўнарманд аҳлини фожияли ахволға солди.

Уч оға-ини Шоабдумавлонбой, Убайдул-

ла Махсум, Раҳматулла қори Қаллаҳона маҳалласидан ер сотиб олиб, иморат қурганлар. Улар тадбиркор ва аҳиллиги учун тезда ўзларини ўнглаб олишган. Бироқ шўро гу-машталари бирин-кетин уларнинг иморатиға чағ солиб, осуда ҳаётини издан чикарган.

«Оила бошиға солинган ўша кулфатлар ет-маганидек, «Янги ҳаёт» мактабининг бешинчи синфида ўқийдиган Баширилло бутун мактаб ўқувчилари олдида «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ҳодими» унвонини берди. Минг раҳмат. Болаларимиз ота-болаларини билсин, мустақилликнинг қадриға етсин, деб шу альбомни тайёрладим.

Утган йили оиламиз «Энг намунали оила» республика кўрик-танловининг якуний босқичида иштирок этиб, хотин-қизлар кўмитасининг фахрий ўрлиги билан тақдирланди. Буларнинг барчаси аждодаларимизни унут-маганимиздан-да, болам.

Отахонни йўлғача қузатиб кўйдим. Назаримда, у кишининг вужудида йиллар армони мужассам бўлгандай. Шунча тазийқлар, машаққату азобли йиллардан ўзбекона қадриятларини, ўзлимизни асраб ўта олган болаларнинг фарзандлари ҳам оталарига муносиб, албатта...

К. РАҲМОнали.

1924 йилда мустақиллик даврида тузилган оилавий сурат. (Ундан биринчи Раҳматулла тужор).


Турфа олам

ЧИНАКАМ МЎЪЖИЗА

Москвалик Наталья Турчинани табиатнинг чинакам мўъжизаси, дейиш мумкин. Боси бундан Йигирма уч йил муқадам дунёға келган чакалокни кўлга олган шифокорлар ҳам, онаси ҳам даҳшатдан лол қолишди, чакалокнинг орқа томонида кичкинагина, лекин ростман-дум лиқиллаб турарди. Йиллар ўтиши билан шифокорлар тилида автизм деб аталадиган қизнинг бу аъзоси ўсаверди. Қизча хар қанча яширмасин, жарроҳлар думчани бир неча марта кесиб ташлашмасин, у

ўсидан тўхтамапти. Наталья Россиядаги ягона думли аёл эмас экан. У бошқа шаҳарларда ҳам ўзи каби галати аъзо билан дунёға келган одамлардан 18 нафарини ахтариб топди. Улар билан хат ёзишиб туришди. Думли қиз ҳақида хабар топган суратқашлар, режиссёрлар уни тасвирға туширишға жон-жаҳдлари билан ури-нишмоқда. Аммо бирон бир натижаға эриша олганлари йўқ. Агар Наталья бунга розилик билдирса, унга катта пул беришға ҳам тайёрмиз, дейишяпти.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.



Сиз суратда кўриб турган спортга алоҳида меҳр қўйган кичкинтойларимизнинг бири келажақда Миржалол Қосимов каби машур футбол юлдузи, иккинчиси эса Ирода Тулаганова йўлидан бориб доғруғи оламини тутган теннисчи бўлиб етишса ажаб эмас.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, ҳуқуқий эълонлар ва ҳуқуқий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъжирларни, таваллуҳ қунари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида бритади.

Эълонлар шайба ва яқшабанд ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТЕУТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

1999 йил 15 декабрда Азиз Чориевич Назаровға берилган 449 ау — 3/0001658 рақамли мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Тошкент шаҳар минтақавий бўлими тугатилмоқда. Давоьлар эълон босилган кундан бошлаб икки ой мuddат ичида қабул қилинади. Телефон: 68-68-44.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Девони жамоаси масъул ходим Уйғун Ғофуровға отаси **Тўқтин ҒОФУРОВНИНГ** вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

Юнусобод тумани «Бодомзор» маҳалла фуқаролар йиғини, маҳалла аҳли маҳалла оқсоқоли **Ғайрат Нуритдинович ҒАЮБОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изхор қилади.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент шаҳар, Ақмал Икромов тумани ИИБ Жамоат тартиби ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш хизмати жиноятчиликнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлаш бўлими профилактика бўйича бўлими милиция пункти профилактика бўйича инспектори, милиция лейтенанти **Воҳид Боқижанович АТАМУҲАМЕДОВНИНГ** ўта хавфли жиноятчини қўлга олиш вақтида фожияли ҳалок бўлганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия билдирадлар.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИПХ бригадаси йўл-патруль хизмати инспектори, милиция катта сержанти **Баҳодир Мусаварович МУЗАҒАРОВНИНГ** ўта хавфли жиноятчини қўлга олиш вақтида фожияли ҳалок бўлганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик изхор қиладилар.

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума
қуллари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари
бўйича турар жойлардаги почта
бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»ға
— 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтти тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
концерни босмаҳонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.